



ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Қаршиев Отабек Абдуллаевич

Тошкент давлат иқтисодий университет, "Солиқ ва солиққа тортиш" кафедраси доценти в.б.

email: otabekqarshiyev@gmail.com

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 7 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a6	Ушбу мақолада сугурта компанияларининг молиявий фаолиятини самарадорлигини ошириш, янги инновацион молиявий воситаларни жорий этиш ва замонавий молиявий стратегияларини қўллаш орқали Ўзбекистонда сугурта бозори самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ва сугурта компанияларининг инвестиция фаолияти ва молия секторини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имкониятлари ўрганишдан иборат.
KEYWORDS	Сугурта, молия, молиявий стратегиялар, инвестициялар, молиявий ресурс, пул айланмаси, рақобат.

Кириш (Introduction/Введение).

Иқтисодий интеграциялашув шароитида сугурта компанияларида молиявий фаолиятни самарали ташкил этиш бугунги куннинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади. Бундай фаолият ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни молиялаштириш ёки маҳсулот сотишнинг факат жорий масалалари билан чекланиб қолмайди. Молиявий фаолият корхонанинг кучли рақобат шароитида барқарор фаолият юритиши ва доимий ренатбеллигини таъминлаш, харажатларни минималлаштириш ва даромадни максималлаштириш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда замонавий шароитларда сугурта компанияларининг молиявий фаолият самарадорлиги билан бир қаторда уларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда фаолият юритиши бугунги кунда янги тахирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонунига асосан амалга оширилади.

Молиявий фаолиятнинг мақсадларини белгилашда мамлакатда иқтисодий тизим, корпоратив тузилмаларни ўрни каби муҳим ҳисобларга эътибор қаратилади. Бунда асосий эътибор бизнесни юритишни ташкилий ҳуқуқий асослари, молия ва фонд бозорлари, капитал бозорини ривожлантирилган даражаси, корхоналар устав капиталида давлатнинг улуши каби омиллар ҳисобга олиниб, молиявий фаолиятнинг мақсадлари бир-биридан фарқ қилади. Шу нукта назардан сугурта компанияларида молиявий фаолиятнинг мақсад ва функциялари бўйича турли хил қарашлар мавжуд жумладан:

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review, Анализ литературы).

Илмий адабиётларда сугурта компаниялари молиявий фаолиятини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари изоҳи қуйидаги тахирларда баёни келтирилган.

Жумладан, Россиялик иқтисодчи олим М.В.Романова[1] нинг фикрича молиявий фаолиятнинг асосий мақсадлари тўртта асосий манфаатдор томонлар: акциядорлар, истеъмолчилар ва ходимлар ҳамда компания манфаатларини акс эттиради. Иқтисодчи олим А.П. Архиповнинг фикрига кўра молиявий фаолият бу- тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш, молиявий таҳил ва шунингдек,

капиталларни жойлаштириш сегментларини англади[2] деб таъриф берган. С.В.Ермасов, Н.Б. Ермасова[3] ларнинг фикрига кўра молиявий фаолиятда ҳал қилиниши лозим бўлган иккита асосий йўналиш –корхоналарда бошқарув қарорларини қабул қилишда тактик ва стратегик йўналишлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Бизнинг фикримизча «Молиявий фаолият - бу корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантириш ва уни самарали бошқаришда пировард натижаларга эришиш учун аниқ ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда корхона ривожлантиришнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли мақсадлари ва жорий ҳамда келажакдаги молиявий фаолиятда қабул қилинган қарорлар ўртасида мақбул балансни топишдан иборатдир.

1958 йилда Ф.Модилиани ва М.Миллер[4] The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment номли ўз асарларини чоп этди. Ушбу асарда корхона киймати унинг келажакдаги даромадлари билан белгиланади ва шу сабабли корхона киймати ва келгусидаги даромадлари унинг киймати таркибига боглиқ эмас, деган хулосага келишди. Ушбу қонидани қуйидагича исботлашди. Яъни, агар компаниянинг фаолиятини молиялаштириш ўз маблағлари манбалари ҳисобига эмас, балки, қарз маблағлари ҳисобига фойдалироқ бўлса, унда аралаш капитал тузилишига эга бўлган компания акцияларининг эгалари ўзларининг компаниялари акцияларининг бир қисмини сотишни афзал кўришади ва олинган маблағлардан қарз манбаларидан фойдаланмайдиган компаниянинг акцияларини сотиб олишда фойдаланадилар.

1963 йилга келиб улар (Taxes and the Cost of Capital) капитал тузилиши бўйича иккинчи асарида солиқ каби омилни моделга киритдилар ва шу тариқа нол солиққа тортишни илгари суради. Солиқлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда компания акцияларининг нархи қарз маблағларини жалб қилиш билан бевосита боглиқлиги исботланди. Қарз маблағларининг улуши қанчалик кўп бўлса, акциялар нархи шунча юқори бўлади. Ф.Модилиани ва М.Миллер[5] нинг янги назариясига кўра, компанияларга қарз маблағларидан 100 фоиз молиялаштириш тавсия этилади, чунки, бу уларга энг юқори бўлган қийматни таъминлайди.

1-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисида маълумотлар *миле сўм*

№	Сугурта компаниялар номи	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан кейин соф фойла (+)/ зарар (-)	Асосий фаолият бўйича фойла (+)/ зарар (-)	Молиявий фаолият бўйича фойла (+)/ зарар (-)
Умумий сугурта соҳаси				
	Умумий сугурта соҳаси бўйича жами:	281 495 423,06	4 984 029,91	337 586 367,04
1	"APEX INSURANCE" АЖ	96 908 098,30	93 651 723,73	20 974 574,56
2	"O'ZBEKINVEST" ЭИСК АЖ	25 834 956,30	- 21 078 720,10	52 633 803,90
3	"TEMIRYO'L SUG'URTA" АЖ	17 110 806,61	9 519 384,72	10 748 425,66
4	"O'ZAGROSUG'URTA" АЖ	14 536 389,50	1 708 951,20	15 954 219,80
5	"SOB INSURANCE SUG'URTA KOMPANIYASI" АЖ	13 409 950,40	- 7 313 429,40	23 065 506,10
6	"GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI" АЖ	13 275 388,80	- 6 153 328,60	22 764 958,10
7	"INGO-UZBEKISTON" АЖ	11 798 856,59	1 495 099,60	12 402 678,21
8	"XALQ SUG'URTA" АЖ	11 318 826,26	- 6 185 959,81	19 648 170,57
9	"IMPEX-INSURANCE" АЖ	10 012 000,00	8 385 767,00	4 192 398,00
10	"IMKON SUG'URTA" АЖ	9 625 339,97	- 13 021 390,54	24 357 317,04

активларга тегишлилигини таъминлашдир. Ушбу функция баъзан бошқариш деб аталади.

Молиявий фаолиятнинг объектив функциялари каторига кўпайиш функцияси ва молиявий режалаштириш функциялари киради. Сугурта бизнесида бирон бир сугурта компанияси ўз фаолиятини режасиз амалга ошира олмайди.

Молиявий фаолиятнинг объектив функциялари барқарор ва аниқ сугурта компаниясининг молиявий ҳаётида намоён бўлади. Субъектив функцияларнинг кўриниши ёпик, улар тақдорланиш эҳтимоли кам, вақт ўтиши билан уларнинг тўплами жуда ўзгарувчан бўлиб ҳисобланади. Субъектив молиявий функциялар орасида капиталнинг маълум тузилмасини сақлаб туриш функциясини кайд этиш мумкин. Ўз маблағлари ва қарз маблағларининг улуши тўғридан-тўғри сугурта бизнеси иштирокчиларининг манфаатларининг тузилиши билан белгиланади. Шундай қилиб, манфаатлар таркиби капиталнинг тузилишини белгилайди. Ушбу функцияга мос келадиган операциялар тўплами қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш операциялари;

- кредитларни бошқариш операциялари;
- кредиторлик қарзларининг турли шакллари ва турларини шакллантириш бўйича молиявий операциялар.

Хулоса ва таклифлар (Conclusions/Заключения).

Сугурта компанияларини молиявий бошқаришни ташкил этишнинг энг муҳим принциплари қуйидагилардан иборат:

- молиявий фаолиятнинг сугурта компанияларида умумий бошқарув тизими билан ўзаро муносабати;
- молиявий ва инвестицион қарорларни қабул қилишнинг шаффофлик кўрсаткичлари;

- сугурта бизнесида молиявий бошқарув динамикаси;
- бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга муқобил ёндашув;

- стратегик ривожланиш мақсадларига эътибор қаратиш.

Қабул қилинган бошқарув қарорлари молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилишига, пул оқими ва бошқаларга таъсир қилади. Ташки муҳит динамикаси замонавий технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади, масалан, бюджетлаштириш, даромадларни шакллантириш ва ишлатиш, молиявий муҳандислик, бошқариш ва бошқалар.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда алтернатив ёндашув вариантлардан бирини рад этиш ва рентабеллик, қайтариш, молиявий хавфсизлик ҳамда ўз ва жалб қилинган манбалар ҳисобидан амалга ошириш имконияти юқори бўлган бошқа вариантни қабул қилишни аниқлатади.

Ушбу молиявий бошқарувнинг мақсад ва вазифалари ҳар бири ўзига хос хусусият ва кўламга эга. Уларнинг барчаси икки томонлама хусусиятга эга ва моддий асосга (пул оқими) эга бўлиб ҳисобланади.

Ф.Модилияни ва М.Миллернинг ушбу назариясини баъзи қоидалари натижаларга эришишда сезиларли таъсир кўрсатмаслиги маълум бўлди. Хусусан, солиқ тўловларини пасайиши эвазига тежалган (иктисод қилинган) маблағлар компаниянинг қийматини оширади, чуқки, унинг капиталдаги ссудалар улуши ошади, аммо, маълум бир нуктадан бошлаб (капиталнинг макбул тузилмасига эришилганда) қарз маблағлари улушининг ўсиши билан компания қиймати пасайишни бошлайди.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы).

Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, усулларидан фойдаланилди.

Таҳлиллар (Analysis/Анализ). Шубҳасиз, корхоналар ўз фаолиятида фойдани оширишга интилиши лозим. Бироқ, мазкур жараёнда бу мақсадга эришиш учун кучларни марказлаштириш келажакда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бошқа томондан илмий-тадқиқот ишланмаларида харажатларни қисқартириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва бозордаги нуфузини ошириб бориш, замонавий технологиялар ва ускуналарни жорий этиш бошқа шу қабила яқин келажакда фойда миқдорини мос равишда ошириш имконини бериши мумкин.

Молиявий фаолиятнинг асосий вазифалари:

- 1) Корхонанинг эҳтиёжларига ва унинг ривожланиш стратегиясига мувофиқ етарли миқдордаги молиявий ресурсларни шакллантиришни таъминлаш.

- 2) Корхонанинг асосий фаолияти контекстида молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

- 3) Пул айланиши ва корхонанинг ҳисоб-китоб сиёсатини оптималлаштириш.

- 4) молиявий таваккалчиликнинг макбул даражаси ва қулай солиқ сиёсати билан фойдани кўпайтириш.

- 5) Корхонанинг ривожланиш жараёнида унинг доимий молиявий мувозанатини таъминлаш, яъни, молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятини таъминлаш.

Молиявий фаолият функцияларининг таркибий қисмлари қуйидагича:

- молиявий режалаштириш - молиявий режаларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар йиғиндиси;

- прогнозлаштириш - объектнинг ва унинг турли қисмларининг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларнинг узок муддатли ривожланиши;

- бухгалтерия ҳисоби ва назорат - молиявий натижаларни таҳлил қилишдан иборат бўлган молиявий режалаштиришнинг асосий томони;

- тартибга солиш - белгиланган параметрлардан четга чиқканда барқарорлиқни таъминлаш учун бошқариш объектига таъсир қилиш;

- мувофиқлаштириш - молиявий фаолиятнинг барча бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- рағбатлантириш - фаолият юритаётган ходимларни меҳнат самарадорлиги натижаларига эришиш учун рағбатлантириш;

- компания - нормалар, тартиб ва қоидаларга асосланган молиявий дастурларни амалга ошириш учун мутахассислар бирлашмаси.

Молиявий фаолият асосларини билган ҳолда молия менежери сугурта бозорининг ҳолати тўғрисида етарли маълумотга эга бўлган ҳолда уни ривожлантириш орқали тажриба орттириб, сугурта бизнесининг асосий шахсига айланади. Молиявий фаолият учун молиявий бизнес соҳасида махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар керак.

Молиявий фаолиятнинг объектив функцияларидан бири пул маблағлари (пул маблағлари ва унга тенглаштирилган молиявий воситалар) билан субъект - сугурта компаниясининг фаолият жараёнига хизмат кўрсатишдир. Бошқа бир вазифа сугурта компаниясини етарли миқдордаги молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Молиявий фаолиятнинг ушбу иккита функцияси капиталнинг объектив хусусиятидан келиб чиқиб, маълум бир хизмат турини таклиф этиш омили - сугурта хизматларидан иборатдир.

Молиявий фаолиятнинг муҳим объектив вазифаси сугурталовчининг молиявий нисбатларини, хусусан, турли хил молиявий ресурслар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг маълум

References:

1. Романова М.В. Тенденции развития страхования и кризисная ситуация // Финансы. 2009. №1. - С.51.
2. Архипов, А. П. Финансовый менеджмент страховых организаций : учебник для вузов / Москва : Издательство Юрайт, 2017. — 356 с.
3. Ермасов, С. В. Страхование : учебник для бакалавров / С. В. Ермасов, Н. Б. Ермасова. — 5-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2014. — 791 с
4. Modigliani F., Miller M. H. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment // Amer. Econ. Rev. 1958. June. P. 261—297; см. также: Modigliani F" Miller M. H. Taxes and the Cost of Capital: A Correction // Ibid. 1963. June. P. 433—443.
5. Miller M. H., Modigliani F. Dividend Policy, Growth and the Valuation of Shares // Journ. Business. 1961. Oct. P. 411—433...